


Динимиз Ислом инсонийлик динидир, одоб-ахлок динидир, яхшилик ва эзгулик динидир. Шу боис Исломда ўтганларни хотирлаш, уларнинг хакларига дуо килиш таргиб килинган. Куръони Карим мусулмон умматини ўз ўтмишдошларини хотирлаб, хакларига магфират сўраб дуода бўладиган уммат, дея таърифлаган. Аллох таоло Хашр сурасида шундай дейди:

«Улардан кейин келганлар: «Роббимиз! Бизларни хам, биздан олдин иймон билан ўтган биродарларимизни хам магфират килгин ва бизнинг калбимизда иймон келтирганларга нисбатан гилли гаш кўймагин. Роббимиз! Албатта, Сен ўта шафкатли ва рахмлисан» (Хашр сураси, 10 оят).

«Улардан кейин келганлар» дейилганда Ислом умматининг илк авлоди – сахобалардан кейинги мусулмонлар, умуман олганда, мусулмонларнинг кейинги авлодлари назарда тутилган. Демак, Ислом умматининг хусусиятларидан бири шуки, уларнинг кейинги келганлари олдин ўтганларини яхшиликда ёдга олиб, хакларига хайрли дуоларда бўлади.

Ушбу илохий таълим асрлар оша мусулмон оламида амалда жорий бўлиб келган. Шу билан бирга, ўтганларнинг номидан яхши амаллар килиб, савобини уларга багишлаш хам

бевосита Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг тавсиялари билан шариатимизда жорий килинган амалдир. Бу мавзуга оид диний таълимотларни чукур ўрганган уламоларимиз Куръон тиловат килиб, савобини ўтганларнинг хаккига багишлаш хам мазкур шаръий кўрсатма остига дохил эканини таъкидлайдилар. Улар: «Бу борада келган хадислар ўрганилса, Набий (соллаллоху алайхи васаллам) ўтган кишисининг номидан бирор эзгу амал килмокчи бўлиб, унинг савоби етиши хакида сўраган кишиларга: «Ха, савоби етади», деб жавоб берганлар. У Зотдан Куръон тиловатининг савоби етиши хакида сўралгани ривоят килинмаган бўлса-да, бошка саволларга берган жавобларидан хулоса килиш мумкинки, агар у хакда сўралганда, унга хам «Ха, савоби етади», деб жавоб берган бўлардилар», дейдилар.

Бадриддин Айний (рахматуллохи алайх) ўзининг «Сахихи Бухорий»га ёзган шархида Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан ривоят килинган, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг хурмо новдасини икки кабрга сука туриб: «Шояд, шу сабаб булардан азоб енгиллатилса», деган хадисларининг изохида жумладан, куйидагиларни айтади: «Хаттобий айтади: «Бу хадисда кабр устида Китоби Азизни (Куръонни) ўкиш мустахаб эканига далил бор, чунки дов-дарахтнинг тасбехи туфайли маййитга азоб енгиллатилиши умид килинар экан, Куръони Азим тиловатида умидворлик ва барака янада улкандир».

Мен айтаман: «Одамлар (яъни уламолар) бу масалада турлича фикр айтганлар. Абу Ханифа ва Ахмад (рахматуллохи алайхумо) «Куръон кироатининг савоби маййитга етади», деган фикрни кўллаганлар. Бунга далил Абу Бакр Нажжорнинг «Сунан» китобида Али  (розияллоху анху)дан килган ушбу ривоятидир: «Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким кабрлар ўртасидан ўтиб колиб, «Кулхуваллооху ахад»ни ўн бир марта ўкиб, сўнг унинг ажрини ўлганларга багишласа, унга ўлганларнинг ададича савоб берилади», дедилар». (Буни Доракутний хам ривоят килган). У яна ўз «Сунан»ида Анас (розияллоху анху)дан марфуъ шаклда ривоят килади: «Ким кабристонга кириб, Ёсин сурасини ўкиса, ўша куни улардан азоб енгиллатилади».

Бадриддин Айний шу каби айрим ривоятларни келтиргач, «Ўтганларга намоз, рўза ва садаканинг савоби етишининг ўзи Куръон тиловатининг хам савоби етишини билдиради», дейди. Закариё Ансорий (рахматуллохи алайх) «Ал Лубаб»да: «Бунга (тиловатнинг савоби ўлганга етишига) далолат киладиган нарсалардан бири шуки, мусулмонлар барча асрларда Куръон ўкиб, ўтганларига багишлаганлар ва буни хеч ким инкор этмаган. Бинобарин, бу ижмоъ бўлган», дейди. Маъкал ибн Ясор (розияллоху

анху)дан ривоят килинади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Ўликларингизга Ёсин сурасини ўкинглар», дедилар».

Бу хадисни имом Абу Довуд ва Насоий ривоят килишган, Ибн Хиббон сахих деб айтган ва: «Бу ерда ўлим тўшагидаги инсон назарда тутилган», деган. Аммо кўпчилик уламолар: «Лафз умумий бўлгани учун бу хадис ўлим тўшагида ётган кишини хам, ўлган одамни хам ўз ичига олади», дейишади.

Ибн Обидин (рахматуллохи алайх) ўзининг машхур асари –«Роддул мухтасар»да юкорида зикр килинган хадисларни, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг умматлари номидан курбонлик килганлари, Куръони Каримда ота-онага магфират сўраб дуо килишга таргиб килингани ва яна бошка далилларни санаб ўтгач: «Буларнинг ва бунга ўхшаш биз чўзилиб кетишидан кўркиб келтирмаган далилларнинг барчаси амалда бошканинг шерик бўлишини, яъни бошканинг амалидан манфаат олиш борлигини тавотур даражасига олиб чикади», дея хулоса ясайди.

Умуман олганда, ханафий мазхабининг деярли барча мўътабар манбаларида садака, намоз, рўза, тиловат ва бошка яхши амалларни бошканинг номидан килиш мумкинлиги, савоби етиши хакида алохида тўхтаб ўтилган. Жумладан, бу хакда «Ал Хидоя», «Бахрур роик», «Бадоеъ» ва бошка асарларда сўз боради.  «Раддул мухтор»да бу мавзуда яна куйидагиларни ўкиймиз:

«Ибн Хажар Маккийдан: «Биров кабристон ахлига Фотиха сурасини ўкиса, савоб уларнинг ўртасида таксимланадими ёки хар бирига унинг савобича тўлик бериладими?» деб сўралганда, у: «Бир жамоа уламолар иккинчисига фатво беришган ва Аллохнинг фазлига шуниси лойикрок», деб жавоб берган.

Ибн Хажар ўзининг фикхий фатволарида айтишича, Хофиз Ибн Таймия Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га кироат савобини багишлашни ман килиб: «Чунки у Зотнинг юксак кадрларига салавот айтиш, васила сўраш каби ўзлари изн берган нарсалардагина журъат килинади», деб айтган экан. Субкий ва бошкалар у кишига каттик раддия бериб: «Бунака ишларда махсус изнга эхтиёж йўк. Кўрмайсанми, Ибн Умар (розияллоху анхумо) у Зот (соллаллоху алайхи васаллам)нинг вафотларидан сўнг хеч кандай васиятсиз у Зотнинг номларидан умралар килар эди. Жунайд табакасидаги Ибн Муваффак у Зот алайхиссаломнинг номларидан етмиш марта хаж килган. Ибн Сирож у Зот (соллаллоху алайхи васаллам)нинг номларидан ўн минг марта хатм ва

шунча курбонлик килган», дейишган... Ханбалийлардан Ибн Акил: «У Зотга тиловат савобини багишлаш мустахаб», деган.

Уламоларимизнинг гапи шуки, кишининг ўз амалини бошкага хадя килиши мумкин экан, бунга Набий (соллаллоху алайхи васаллам) хам кирадилар, чунки у Зот бунга энг хаклидирлар. Зеро, у Зот бизни залолатдан куткарганлар. Бунда бир нав шукр ва у Зот (алайхиссалом)га гўзал тортик килиш бор. Комил нарса камолотнинг зиёда бўлишига кобилиятлидир. Баъзи бир буни ман килувчиларнинг «Бунда мавжуд нарсани яна мавжуд килишга уриниш бор, чунки у Зотнинг умматларининг барча амаллари ўз-ўзидан у Зотнинг тарозиларини босади», деган гапларига келсак, бунга «Бунинг хеч кандай монелик жойи йўк, чунки Аллох таоло у Зот (соллаллоху алайхи васаллам)га Ўзи салавот айтишини хабар кила туриб, бизларнинг у Зотга «Аллохим! У Зотга салавот йўллагин!» дея салавот айтишимизни буюрган», деб жавоб берилади» («Раддул мухтор»дан келтирилган иктибос тугади).

Хулоса килиб айтганда, мўътабар манбаларда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ёки сахобаларнинг бирор ўтган кишига хатми Куръон багишлаганлари накл килинмаган бўлса- да, бу умумий тарзда рухсат берилган, таргиб килинган ишлардандир. Юкорида ўтган хадислар ва умумий шаръий йўриклар шуни кўрсатади. Шунга кўра, Куръон хатм килиб, савобини ўтган ота-она ва бошка якинларга багишлаш улуг савобли амллардандир. Хатм килишни ўша маййитнинг номидан ният килиб бошланса, яна хам яхши бўлади. Аммо тириклар номидан хатм килинмайди. Чунки бундай баданий амалларни бировнинг номидан килиш учун ўша шахснинг ўла-ўлгунча шу амални килишга кодир бўлмаслиги шарт килинган.

Хатми Куръондан савоб хосил бўлиши учун уни холис Аллох учун бажариш лозим. Турли моддий манфаатлар илинжида килинса, савоб хосил бўлмайди ва бинобарин ўтганларга хам савоб етмайди.

***Хасанхон Яхё Абдулмажид***